

ЛАТИФ МАХМУДОВ ҲИКОЯЛАРИНИНГ СЮЖЕТ ҚУРИЛИШИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

Абобакирова Одина Набиевна

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD),

Аннотация: Мақолада Латиф Маҳмудовнинг болаларга аталган ҳикояларидаги сюжет қурилишидаги услубий ўзига хосликлари кенг таҳлил этилган. Уларнинг ўзбек болалар ҳикоячилиги тараққиётига қўйган ҳиссалари ёритиб берилган.

Аннотация: В статье анализированы особенности стиля детской прозы Латифа Махмудова в строении сюжета. Освещен вклад писателей в развитие детской прозы.

Annotation: The peculiarities of the style of children's prose by Latif Makhmudov in the structure of the plot have been analyzed. The contribution of the writers into the development of children's prose has been elucidated.

Калит сўзлар: сюжет, услуб, сюжет элементлари, маҳорат, ҳаёт ҳақиқати, жонлилик, ички кечинма, болалар адабиёти, таъсирчанлик.

Ключевые слова: сюжет, стиль, элементы сюжета, навыки, истина жизни, внутренние переживания, детская литература, импрессивность.

Keywords: plot, style, plot elements, skills, truth of life, liveliness, inner experience, children's literature, impressiveness.

Болалар ёзувчиси ҳаётини воқеалар асосида характерлар яратар экан, давр чизгиларини, қаҳрамонлар қиёфаларидаги жонлиликни, улардаги ҳар бир тафсил ва ифодаларни мантиқан асослашга интилади. Шу маънода ҳаётини, ишонарли талқинларда сюжет муҳим ўрин тутиб, қаҳрамонлар ва персонажларнинг ҳаққоний тасвиридаги аҳамияти каттадир. Маълумки, “Сюжет деганда биз кўпинча, маълум воқеалар ёки уларнинг тизмаларини тасаввур қиламиз. Воқеаларнинг моҳияти нимадан иборат, улар қаердан келиб чиққан ва қандай қилиб асарда тартибга тушади – бу тўғрида ўйлаб ўтирмаймиз”[1, 232]. Аслида сюжетнинг ишонарли воқелик асосига қурилиши унинг ҳаёт ҳақиқатига яқинлигига, характерларнинг жонли бўлишига бевосита боғлиқдир. “Сюжет – бадий асарнинг бевосита мазмунини ташкил этган, ўзаро боғланган ва ривожланиб боровчи ҳаётини воқеалар системаси. Сюжет характер билан узвий боғлиқ бўлиб, бадий ижодда муҳим ўрин тутди”[2, 301]. Шу билан бирга сюжет “Воқеаларда фаолият кўрсатувчи кишиларнинг ўзаро муносабати ва бир-бирига ўзаро таъсири киши характерининг турли хислатларини, персонажларнинг ахлоқи ва ички кечинмаларини, характернинг ривожланиш тарихи ва унинг ривожини кўрсатади. Сюжетда ҳаёт учун энг муҳим бўлган тўқинишлар, қарама-қаршилиқлар ва кишиларнинг ўзаро муносабати акс этади”[3, 212]. Латиф Маҳмудов ҳикояларидаги сюжет қурилиши ҳам ана шу жиҳатлари билан ўзига хос ва

бетакрордир. Академик С.Мамажонов тўғри таъкидлаганидек, Латиф Маҳмудов “... ҳикояларидаги, повесть ва пьесаларидаги яна бир фазилат воқеаларнинг, конфликтларнинг ҳам, болаларнинг хатти-ҳаракати, муносабатлари, кечинма ва характерларининг ҳам табиийлиги, ҳаётийлигидир. У қайси ёшдаги бола ҳақида ёзса (унинг кўп ҳикоялари кўшниси ва бош қаҳрамон тилидан баён қилинади), ҳамма нарсага шу ёшдаги боланинг кўзи билан, нуқтаи назари билан қарайди ва баҳо беради. Шу болаларнинг руҳига кира олади, улар дили ва тили орқали фикрлай билади; сўнгра ҳеч вақт ўз қаҳрамонларининг бошига юган солиб етаклаб юрмайди, аксинча ўзи уларнинг орқасидан – характернинг мантиқидан боради”[4, 5]. Дарҳақиқат, Латиф Маҳмудов ҳикояларида сюжет ана шу асосда қурилади. Асар воқеалари қаҳрамонлар қиёфаси ва характерини шакллантирмайди, ёки тайёр образ ва характерлар асар сюжетини яратиб бермайди. Балки воқелик ва қаҳрамон, вазият ва характер мутаносиб равишда бири иккинчисини тўлдиргани ҳолда ривожланиб, шаклланиб боради. Бу ёзувчининг асар сюжетини юзага чиқаришдаги ўзига хос услуби бўлиб, воқеликнинг жонли, ҳаётий ва таъсирчан талқинини юзага келтиради. Масалан, Латиф Маҳмудовнинг “Жасур болалар” ҳикоясидаги воқеалар иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ортида рўй беради. Воқеликнинг муаллиф тилидан, унинг хотиралари тарзида баён этилиши, детектив жанрга хос услуб – сюжетнинг жонли, табиий, тезкор ривожини таъминлаган.

Ҳикоя баҳор кунларидаги хиёбоннинг гўзал, тинч ва осуда тасвири билан бошланади. Асардаги табиатнинг бетакрор сўлим манзараси болаларни тинчликнинг қадрига етишга ундайди: “Осмонда ғубор йўқ. Офтоб одамга хуш ёқади. Янги барг ёзган дов-дарахтларда қушлар тинимсиз чуғурлайди, силаб-сийпалаётган шабада аллақердаги ялпиз исини димоққа гуп-гуп уради...”[5, 36] Сюжет тугуни ана шу жараёнда муаллиф оёғи остига қонга беланган чумчуқнинг кулаши, сўнг бу ҳолга бепарво, кўлида рогатка кўтарган боланинг пайдо бўлиши билан юзага келади. Ҳикоя муаллифнинг олис уруш даври воқеаларига ҳаёлан саёҳати билан бу тугун янада қуюқлашади. “Адабиёт тарихида ана шундай бадиий сюжетлар ҳам учрайди: улар шу қадар кучли ва кескин драматизм заминига қурилган бўладикки, натижада сюжет унсурлари(экспозиция, тугун, воқеа ривож, кульминация, ечим)ни бир-биридан ажратиш қийин... Сюжетнинг бундай типи илмда “концентрик сюжет” деб юритилади”[6, 124].

Ҳикоядаги “Баҳорнинг илиқ-иссиқ кунлари, одамнинг юраги қизиб уйда ўтиролмайд қолди. Мен ҳам битта китобни қўлтиқлаб, неварам билан боққа бордим, боғ деганим, машиналарнинг ғала-ғовуридан сал наридаги каттагина хиёбон эди, бу ерда мана шу атрофдаги катта уйларда турувчи қари-қартаганлар йиғилади. Қиши билан димиқиб, диққинафас бўлган кишилардан баъзи кунлари янги бўёқдан чиққан скамейкаларда жой қолмасди. Биров бурнига кўзойнак тақиб журнал варақлаган, уч-тўрт киши термосда чой дамлаб келиб чакчақлашган, шахмат суришиб ўтирган

ишқибозлар ҳам кам бўлмасди, шунақа гавжум бўлиб кетарди бу хиёбон”[5, 35] тарзидаги тасвир сюжетнинг ўзига хос экспозицияси вазифасини бажаради.

Ҳикоя қаҳрамони милицияда ишлаб юрган уруш йилларини хотирлар экан, курулланган номаълум жиноятчини зудлик билан тутиш ҳақида шошилиш хабар оладилар. Милициядагилар оддий деҳқон кийимида, елкаларига арқон ташлаб вокзал, станцияларда “ташқачи” – юк ташувчи қиёфасида жиноятчини қидира бошлайдилар. Кунларнинг бирида бир бола улар қаршисидан қочиб ўтаётган муз йўлакда сирпаниб йиқилади. Унинг қўлидаги халтаси бир четга отилиб кетади. Ортидан қувиб келаётган болалар уни дўшпосламоқчи бўладилар. Маълум бўлишича, ушбу бола рогатка билан чумчуқларни отиб ўлдириб, халтасига солиб олган. Икки бола Ҳошимбой ва Мирсалим шунинг учун ҳам уни қувиб келаётган эканлар. Бола эса касал онасини боқиш учун чумчуқларни отиб ўлдирган экан. Болалар вазиятни тушунадилар, у билан дўст тугиндилар. Милиционерлар ана шу икки боладан жиноятчини тутишда фойдаланмоқчи бўладилар. Ёлғондан уларни ўғриликда айблаб “қамамоқчи” бўладилар. Болалар эса улардан “қочиб” кетдилар. Шунда милиционерлар болаларни тасодифан йўқотиб қўйдилар.

Асар сюжетидаги ситуацияни милиционерларнинг илк бор Ҳошимбой ва Мирсалим билан учрашувлари ташкил этади.

Маълум бўлишича, икки болани этик ямайдиган чол ҳужрасига қамаб қўйган. У икки кун ичида болалар олиб қочган икки “аёл” учун оёғи қўйган товукдек милиционерларнинг югурмасликларини фаҳмлайди. Шунингдек, одамларнинг орасида яна иккита елкасига арқон ташлаган “ташқачи” пайдо бўлганидан шубҳага тушган. У Мирсалимга ошнаси борлигини, унинг касал ётганини, бир мижози эса этигини ямаб бергани учун ўзига озроқ қанд берганини, ана шу нарсани дўстига ташлаб келишини сўрайди. Чўнтагидан ўн тўртта чакмоқ қанд олиб, бирини Мирсалимга, бирини Ҳошимга беради. Бирини эса оғзига солгач, қолганини латтага яшириб ўраб Мирсалимнинг чўнтагига солиб қўяди. У эшикни аввал икки марта, кейин секинроқ яна бир марта тақиллатсагина очишини айтади. Йўлда нафси бузуклик қилиб қандни емаслиги кераклигини, у ошнасидан қанча қанд олиб борганини сўраб олишини айтади. Чолнинг Солор ёқасидаги пастқам уйда яшовчи таниши қандларни олгач, қоғозга ўралган михларни қайтариб олиб боришини тайинлайди. Михлар сони ҳам қандлар сони сингари ўн битта эди. Бу эса битта сюжетдаги тугунни келтириб чиқаради. Ямоқчи чол болаларни ўзи милицияга олиб келиб топшириш орқали “Ҳамма хоинлар кўрқоқ, кўрқоқларда эса доим хоинликка мойил”лик бўлишини исбот этади. Чол милиция қидираётган жиноятчи тунги соат ўн бирда поездда келиши кераклигини айтади. Ўн бир рақамининг сирини ана шу тариқа очилади. Чол тайёрлаб қўйган этикни жиноятчи оёғидагига алмаштириб кетиши керак. Чолнинг оёғидаги қўш қават қилиб тикилган этикда қалбаки ҳужжатлар, бир даста пул борлиги маълум бўлади. Ҳикоя сюжетининг кульминацияси чолнинг оёғидаги этикда қандай сир борлиги ошкор бўлишидадир. Воқеалар ривожини ямоқчи

чол ошнасининг тутиб келиниши билан давом этади. Унинг қиёфаси ҳикояда “Қовоқлари салқиган, афт-башараси ёқимсиз, ўрта яшар киши” тарзида тасвирланган.

Сюжетнинг ечимини эса тунги соат ўн бирда чолнинг “меҳмони”ни қўлга олиниши ташкил этади. Чумчуқларни ўлдирган бола Мирсалим ва Ҳошимнинг олдига – болалар уйига жойлаштирилади. Йиллар ўтиб, ҳикоячи милициядан нафақага чиқади. Район милициясини эса энди ўша бола бошқара бошлайди. Боланинг онаси эса вафот этади. Ҳикоя шундай хулосаланади: “Бир кун онасининг қабрини зиёрат қилиб қайтаётган эдик. Йўлдаги садақайрағочда чигиллаб оламни бошига кўтараётган кушларга қараб, бирдан ёш боладай ўкириб йиғлаб юборди...

–Аттанг, – деди ниҳоят муродга етиб – болалигимдаги ўша тентаклигим бир умр армон бўлиб қолди. Беозор паррандаларни қийратганимда, ўшанда болалари ҳам худди мен ҳозир онамни қўмсаганимдек чирқираган бўлса керак!”[5, 50].

Ана шу хулоса асарнинг асосий ғояси – паррандаларни авайлаш кераклиги ҳақидаги фикр ифодасига хизмат қилади. Ҳикоядаги воқеалар концентрик сюжет асосида қурилган. Асарга ҳаётий сюжет асос қилиб олинган. Ҳикоя қаҳрамонлари қиёфаси жанр талаби асосида бир-икки чизгиларда берилди.

Мирсалим портрети “...кўзлари катта-катта, қотма, узун бўйли” тарзида тасвирланса, Ҳошимбой қиёфаси “паст бўйли, афт-башараси очикқина” тарзида акс эттирилган. Демак, сюжет “образларнинг ўзаро муносабатидан, курашидан келиб чиқувчи, ирода йўналишини, характер хусусиятини намоён қилувчи воқеалар силсиласи”[7, 81] ҳисобланади.

Латиф Маҳмудовнинг “Тўғри гап яхши экан” ҳикояси хроникали сюжет асосида қурилган. Маълумки, “Агар бадиий сюжет хроника тартибида пешма-пеш давом эттирилган бўлса, “хроникали сюжет” деб юритилади [6, 122]. Ҳикоядаги воқеа қаҳрамон томонидан баён этилади. У дарс қилишга эриниб, коптокни қўлтиқлаб кўчага чиқади, маҳаллада ҳеч кимни тополмайди. Фақат меҳмонга келган Раъно исмли қизчани кўриб қолади. Йўлакда икки дона ғиштни кўчириб олиб келиб, икки ёнга қўяди. Ўртасига қизчани дарвозабон қилиб қўйиб, коптокни унга қаратиб тепа бошлайди. Қиз эса коптокни ушлаш ўрнига чўнқайганча юзини яшириб ўтираверади. Ўйинга қизиққан бола эса: “Дунёда дарслардан ашула-ю, ўйиндан футбол бўлса” деган хулосага келди. Бу фикр барча дангаса болаларга хос бўлиб, ёзувчи ўрта мактаб ёшидагиларда учровчи ушбу қусурни нозик илғаб акс эттирганлигини кўрсатади. Бола бир маҳал “красницкийча” қилиб тепганида копток қиз болага тегиб, уни юмалатиб юборади. Бу ҳолдан кўрқиб кетган бола уйга қараб қочади. Энди унга қиз боланинг ота-онаси ортидан кидириб кириб келаётгандек туюлаверади. Туни билан турли тушлар кўриб босинқираб чиқади. Дарсга ҳам эртаси куни кечикиб боради. Уй вазифасини сўраган арифметика ўқитувчиси Ғулом акага эса ёлғон гапирди. Гўё у копток билан қизчани уриб йиқитган бир барзангини кува-кува ушлаб, қўлини орқасига қайириб мактабга олиб борганини, шу ишлар билан овора бўлиб дарс тайёрлай олмаганини сўзлайди. Ушбу ёлғонга барча болалар ишонадилар. Шокир

отряд оталикқа олган боғчага уни олиб бориб, “сбор” ўтказмоқчи бўлади. Ўзининг қахрамонлигини завқ билан сўзлаётганида ўша кунда чап кўзи моматалоқ бўлган дарвозабон қизча Раъно “Вой, катта одам ҳам ёлғон гапирадими?” дея қаршисида пайдо бўлади. Бу ҳолдан довдираб қолган қахрамонимиз у ердан қандай кетганини билмайди. Қахрамон “Асли бошга қилич келса ҳам, тўғри гапирган яхши экан” деган хулосага келади. Ҳикояда ёлғончилик иллоти болаларбоп тарзда қораланган.

Ҳикояда воқеаларни баён этувчи боланинг қизча билан танишуви экспозицияни, қизчанинг ўйинда дарвозабон бўлишга розилик бериши, тепилган тўп билан думалаб кетиши ситуацияни, боланинг арифметика ўқитувчиси Ғулом акага ёлғон сўзлаши тугунни ташкил этади.

Синфдоши Шокирнинг қистови билан боғчага бориб ўз “қахрамон”лиги ҳақида сўзлаётганида тасодифан ўша кунги тўп тегиши натижасида бир кўзи кўкариб кетган қизчани учратиб қолиши воқеалар ривожини ҳамда кульминацияни, қахрамоннинг тўғрилиқ ҳақидаги хулосасини ечимни ташкил этади. Маълумки, болалар ҳикояларида конфликт кескин ва узоқ давом этадиган бўлмайди. Аксарият, уларда воқеалар эзгулик, ҳақиқатнинг тантанаси муқаррар эканлиги, ёмонлик, албатта, жазосини олишини англатиши, ўқувчиларда некбин туйғуларни уйғотиши лозим бўлади. Чунки, сентиментал, тушкун кечинмалар болалар психологиясига салбий таъсир кўрсатиши, қатъиятли, жасур, метин иродали, ахлоқан етук бўлиб вояга етишларига акс таъсирини кўрсатиши мумкин. Латиф Махмудов ҳикояларида воқеликнинг ана шу жиҳатларини эътиборга олган ҳолда сюжет қурилишини ташкил этади. Айниқса, болаларнинг ёш хусусиятлари, дунёқарашига мос бўлган ҳаққоний, ҳаётий сюжетни яратади. Масалан, “Дарё” ҳикояси ретроспектив сюжет асосида қурилган бўлиб, воқеалар ўтган асрнинг 20-30 йилларида, граждандар уруши даврида, бўлиб ўтади. “Яна шундай бадиий сюжетлар ҳам мавжудки, уларда асосий воқеа кульминациядан бошланади, сўнг муаллиф чекиниш усули(ретроспекция)ни қўллаб кульминациягача бўлган воқеа-ҳодисаларни қахрамонлар фаолиятлари мисолида кўрсатади... Бу ҳол сюжет илмида “ретроспектив сюжет” деб юритилади”[6, 123]. Ҳикояда, бир қарашда, шўро даврида ёмонотлиқ қилиниб “босмачи” деган тамға ёпиштирилган миллий озодлик ҳаракатига салбий муносабат устуворлик қилаётгандек туюлади. Лекин у эгасига вафодор от – Дарёнинг Муродга садоқати тасвири воситасида ҳайвонларни асрашга ундашдек эскирмайдиган ғоянинг сингдирилгани билан ўз аҳамиятини йўқотмайди. Ушбу ҳикоя сюжети Л.Махмудовнинг канадалиқ ёзувчи Сетон Томпсоннинг “Ёввойи йўрға” ҳикояси билан ҳам яхши таниш бўлганлигини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Адабиёт назарияси. Икки томлик. Биринчи том. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 232.

2. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 301.
3. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1970. – Б. 212.
4. Мамажонов С. Эзгу ният йўлида // Қаранг: Маҳмудов Л. Жасур болалар . – Тошкент: Ёш гвардия, 1973. – Б. 5.
5. Маҳмудов Л. Жасур болалар (Ҳикоялар ва пьесалар). – Тошкент: Ёш гвардия, 1973. – Б. 36–37.
6. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 124.
7. Шукуров Н., Ҳатамов Ш., Маҳмудов М. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 81.
8. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 122.
9. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002.– Б. 123.
10. Sabirdinov, A. (2019). Sketches to the novel “Night and day” by Chulpan. *Scientific journal of the Fergana State University*, 1(6), 119-120.
11. Sabirdinov, A. G. (2021). Interpretation of Characters in Utkir Hoshimov’s Story “Yanga”. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 8(6), 196-200.
12. Sabirdinov, A. (2020, December). ASKAR KASIMOV IN THE UZBEK POETRY OF THE XX CENTURY THE ROLE AND IMPORTANCE OF CREATION. In *Конференции*.
13. Sabirdinov, A. G. (2021). Interpretation of the banned period in the stories of Naim Karimov. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 10(11), 84-91.
14. Сабирдинов, А. Г. (1993). Слово и образ в поэзии Айбека.
15. О.Абобакирова. Латиф Маҳмудов ҳикояларининг услубий-композицион хусусиятлари // Инновационное развитие науки и образования Международная научно-практическая конференция. Сборник научных публикаций. –Павлодар, Казахстан. –2020, июль. –С.213-215.